

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВ ЗОХИД КУЧКАРОВИЧ

**ТРУБОПРОВОДЛАРДА ЭЛАСТИК ЁПИШҚОҚ СУЮҚЛИКЛАРНИНГ
НОСТАЦИОНАР ВА ПУЛЬСАЦИЯЛИ ОҚИМЛАРИ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2021

**Физика - математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Physico-mathematical Sciences**

Шукуров Зоҳид Кучкарович

Трубопроводларда эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ностационар ва
пульсацияли оқимлари 5

Шукуров Зоҳид Кучкарович

Нестационарные и пульсирующие течения упруговязких жидкостей в
трубопроводах 21

Shukurov Zoxid Kuchkarovich

Nonstationary and pulsating flows of viscoelastic liquids in pipelines 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВ ЗОХИД КУЧКАРОВИЧ

**ТРУБОПРОВОДЛАРДА ЭЛАСТИК ЁПИШҚОҚ СУЮҚЛИКЛАРНИНГ
НОСТАЦИОНАР ВА ПУЛЬСАЦИЯЛИ ОҚИМЛАРИ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/FM174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.instmech.uz) ва "Ziyonet" ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврузов Куралбай
физика-математика фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Бозоров Дилшод Раимович
техника фанлари доктори, профессор

Маткаримов Санъат Юсубович
физика-математика фанлари номзоди,
доцент

Етакчи ташкилот:

Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.02/30.12.2019. Т/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "14" "июль" соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1-мажлислар зали. Тел: (99871) 262-71-52; Факс: (99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

Диссертация билан Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йули кўчаси, 33-уй. Тел.: (99871) 262-71-52).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» июнь куни тарқатилди.
(2021 йил «28» июндаги 3 рақамли реестр баённомаси)



М.М.Мирсаидов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, ЎЗР ФА академиги

М.К.Усаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х

З.М.Маликов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда суюқликлар ва газлардан унумли фойдаланиш, жумладан, иқтисодийнинг нефть соҳасида (нефть ва нефть маҳсулотларини қувурларда узатиш), кимё, озиқ-овқат соҳаларида (транспортёрлар, пневматик конвейерларга тааллуқли масалаларни қарашда), тўқимачилик ва пахта тозалаш саноатларида (пахта хомашёсини тозалашда, технологик ускуналарни лойиҳалаш ва ишончилигини таҳлил этишда, синтетик материалларни олишда), гидротехникада (қувурларни қуйқалардан тозалашда, қаттиқ заррачаларни узатишда) муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Шу жихатдан суюқликлар ва газларнинг ностационар ва пульсацияли оқимларидаги муайян шароитларда тебраниш ёки пульсация ёрдамида эритиш, қуритиш, тозалаш ва бошқа жараёнларини тезлаштириш ва яхшилаш имкони мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Германия, Бельгия, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Ўзбекистон ва бошқа ривожланган мамлакатларда суюқликлар ва газларнинг конвектив кўчиш жараёнларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳонда суюқлик оқимида релаксацияни ҳисобга олган ёки олмаган ҳолда ноньютон суюқликларининг чизиқсиз модели билан ифодалашга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу суюқликлар сирасига полимерли эритмалар, суспензиялар, лойқали эритмалар, мойли бўёқлар, кондитер, фармацевтика ва озиқ-овқат маҳсулотлари, ракета ёқилғиси, қурилиш ва бурғулаш эритмалари, суюқ композит материаллар, шунингдек физиологик суюқликлар – қон, сўлак ва бошқалар киради. Шу билан бирга суюқликларнинг оқимларини, уларнинг реологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, цилиндрик ва ясси қувурларда ноньютон суюқлик оқими сифатида математик моделлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада синтетик толалардан фойдаланиш, композит материаллардан тайёрланган эластик қувурлар ёрдамида ер остидан, ер устидан экинларни суғориш, томчилатиб суғориш, эгатлаб суғориш усулларини такомиллаштириш, турли технологик жараёнларга талабларнинг ортиши, масалан, қудуқларни бурғулашда суюқликнинг зарурий реологик хусусиятларини таъминлаш, парчаланган маъданни ҳалқали қувурлар ёрдамида олиб чиқишнинг самарадорлигини яхшилашга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Насос станцияларининг агрегат қурилмаларида суюқликлар ўз таркибини ўзгартириши натижасида ишчи системалари ишдан чиқиши кузатилмоқда. Ушбу ноҳуш ҳолатлар рўй беришининг асосий сабаби суюқликнинг ҳарорат, босим ёки бошқа омиллар таъсирида ўз хусусиятларини ўзгартириши ҳисобланади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида,

жумладан, «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ясси канал ва цилиндрлик кувурларда ноньютон суюқликларини оқимларининг жараёнларини тадқиқ қилишда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сонли «Нефть ва газ саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда қолдиқ деформацияли суюқликларнинг математик моделини куриш, ҳисоблаш алгоритмларини тузиш ва такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари дунё миқёсидаги етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, NASA (National Aeronautics and Space Administration), Stanford University (АҚШ), Санкт-Петербург Давлат техника университети, Марказий аэрогидродинамика институти (РФ), China Aerodynamics Research and Development Center (ХХР), The Air Systems Research Center (Япония), Cambridge University (Буюк Британия), Computational Aerodynamics Institute (Канада)да олиб борилмоқда ва катта натижаларга эришилган.

Ушбу йўналишда бир қатор муаллифлар томонидан, жумладан, Дж.Астарита, Дж.Марруччи, З.П. Шульман, Б.М.Хусид ишларида умумий ҳолда Коши ва Фингер чекли деформациялари тензори орқали кучланиш тензорини ифодалаш ёрдамида ҳолат реологик тенгламалари ўрганилган. Ж.Ф.Файзуллаев, Қ.Наврўзовларнинг илмий тадқиқот ишларида хотирали суюқликлар ҳолатининг чизиксиз реологик ҳолати тенгламалари Максвелл модели кўринишида умумлаштирилган. Ушбу келтирилган ишларда суюқликнинг мураккаб реологик интеграл типига ҳолат тенгламалари,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

дифференциал типда берилган ҳолат тенгламаларига эквивалентлигидан ҳамда эластик ёпишқоқ суюқликларнинг дифференциал типдаги ҳолат тенгламаларидан фойдаланиб, конкрет қўйилган амалий масалаларни ечишда қулайликларга эга эканлиги кўрсатилган.

Дунё олимлари У.Л.Улкинсон, К.Трусделл, Р.П.Чобра, Дж.Ф.Ричардсон, П.М.Огибалов, А.Х.Мирзаджанзаде ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ясси канал ва цилиндрик қувурларда Ньютон ва ноньютон суюқликларнинг ностационар ва пульсацияли ламинар ва турбулент оқимлари ўрганилган.

Республикамиз олимлари жумладан, Ж.Ф.Файзуллаев, Ж.А. Акилов, Б.Х.Хўжаёров, К.Ш.Латипов, О.И.Умаров, Қ.Наврўзов, З.М.Маликов, И.Қ.Хужаев, С.И.Худайкулов, Д.Р.Базаров ва бошқалар томонидан Эластик ёпишқоқ суюқликларнинг канал ва қувурларда ностационар ва пульсацияли оқимлари, уларнинг мураккаб реологик моделларини қўллаш орқали конкрет амалий масалаларни ечиш, таҳлил усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва ижобий натижаларга эришилган.

Ноньютон суюқликлар ҳаракатини ўрганишда кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, ҳозирги кунда Шулъман-Хусид модели ёрдамида масалалар етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва амалиётга тадбиқ этилмаган. Жумладан, эластик ёпишқоқ суюқликларнинг оқимида, босим градиентининг кескин ўсиши ва кескин камайиб нолга тенг бўлишидаги ностационар оқимларида содир бўладиган гидродинамик ўзгаришлар батафсил ўрганилмаган. Эластик ёпишқоқ суюқликларнинг пульсацияли ва осцилляцияли оқимларида гидравлик қаршиликнинг тебраниш частотаси параметрига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари, Ньютон ва бошқа суюқлик оқимлари ўзгариши қонуниятларидан фарқи амалий масалаларни ечиш орқали аниқланмаган ва унинг афзалликлари кўрсатилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч Давлат университети “Амалий математика” кафедраси илмий тадқиқотлар режасига мос ҳолда ОТ-Ф4-04(05) “Материал ночизиқли эволюцион тенгламаларини ечишнинг спектрал усулини қўллаш. Юрак томир системаси биомеханикаси” (2017–2020 йй.) мавзудаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эластик ёпишқоқ суюқликлар реологик моделларини Шулъман-Хусид модели модификацияси шаклида такомиллаштириш, ушбу моделнинг Ньютон, Максвелл моделларидан афзалликларини асослаш, ясси канал ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ностационар ҳамда пульсацияли оқими масалаларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

модификацияланган модель асосида ясси канал ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ностационар, пульсацияли оқимларининг янги масалаларини уларга мос бўлган бошланғич ҳамда чегаравий шартлар асосида шакллантириш;

эластик ёпишқоқ суюқликнинг ўққа нисбатан симметрик бўлган ностационар ва пульсацияли оқимлари масалаларининг ечимларини аналитик усулда олиш ва таҳлил қилиш;

ясси канал ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликнинг ностационар, пульсацияли оқимларида суюқлик тезликлари тақсимланиши ҳамда суюқлик сарфининг ўзгариши қонуниятларини аниқлаш, уларнинг Ньютон модели асосида аниқланган қонуниятлардан фарқи ва афзалликларини кўрсатиш;

ясси канал ва цилиндрик қувурларда юқори юкланишлар пайдо бўлишининг асосий сабабларини ташкил этувчи ностационар оқимларда суюқлик сарфининг кескин ошиши, тўхтовчи оқимларда суюқлик сарфининг кескин камайиши ва қарши оқимнинг пайдо бўлиши қонуниятларини аниқлаш;

эластик ёпишқоқ суюқликлар пульсацияли ва осцилляцияли оқимларида гидравлик қаршиликнинг тебраниш частотаси параметрига боғлиқ равишда ўзгариши қонунларининг Ньютон суюқлик моделидаги оқим қонуниятлари билан солиштириш орқали янги гидродинамик қонуниятларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ясси каналларда ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликнинг ностационар, пульсацияли ва осцилляцияли оқимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети оддий ясси каналларда ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ностационар, пульсацияли ва осцилляцияли оқимларининг математик моделларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари ясси каналларда ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ сиқилмайдиган суюқликнинг ностационар, пульсацияли ҳамда осцилляцияли оқимлари масалаларини ечишда Лаплас-Карсон алмаштиришлари қўлланилган. Тебранувчан оқимлар масалаларини ечишда математик физика тенгламаларини ечиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумлашган реологик моделлар асосида эластик ёпишқоқ суюқлик ҳаракатининг асосий дифференциал тенгламалари шакллантирилган ва қувур орқали узатиш масалаларини ечишнинг соддалаштирилган вариантлари таклиф этилган;

эластик ёпишқоқ суюқликнинг ясси канал ва цилиндрик қувурларда ностационар, пульсацияли ва осцилляцияли ҳаракати масалаларини ечиш усуллари такомиллаштирилган;

қўйилган масалаларнинг янги ечимлари таҳлили натижасида эластик ёпишқоқ суюқлик параметрларининг интерваллари аниқланган;

ноньютон суюқликлар оқимларининг “эластик кўтарилиш” ва “эластик қайтиш” жараёнларининг янги гидродинамик қонуниятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ясси канал ва цилиндрик қувурлардаги эластик ёпишқоқ суюқликнинг ностационар, пульсацияли ва осцилляцияли оқимлари масалаларини

ечишнинг таклиф этилган усуллари, насос қурилмасини ишга тушириш ҳамда тўхтатишда механизмларнинг ишдан чиқишининг асосий сабабчиси бўлган резонанс ҳодисасининг пайдо бўлишини аниқлаш имконини беради;

ясси канал ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликнинг пульсацияли оқимида гидравлик қаршиликнинг камайиш интервали олинган натижалар орқали аниқланган;

эластик ёпишқоқ суюқликнинг пульсацияли оқими масаласи ясси канал ва цилиндрик қувурларда чўкинди, қуйқа ҳамда бошқа тикилмаларни тозалашда катта самара бериши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Изланишлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, тадқиқотларнинг назарий ва амалий механика қоидалари асосида амалга оширилганлиги, назарий ва тажриба тадқиқотлари натижаларининг ўзаро мослиги, натижаларни амалиётга жорий қилинганлиги ҳамда илмий адабиётларда мавжуд бўлган масалаларнинг назарий олинган сонли қийматлари билан мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти умумлашган реологик моделлар асосида эластик ёпишқоқ суюқлик ҳаракатининг асосий дифференциал тенгламалари шакллантирилди, ясси канал ва цилиндрик қувурларда ностационар, пульсацияли ва осцилляцияли оқимлар масалаларини ечиш усуллари такомиллаштирилди, янги ечимлар таҳлили натижасида “эластик кўтарилиш” ҳамда “эластик қайтиш” жараёнларининг гидродинамик қонуниятларини аниқлаш имкониятлари билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ясси канал ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликнинг ностационар, пульсацияли ва осцилляцияли оқимлари масалаларини ечишда резонанс ҳодисаси, гидравлик қаршиликнинг камайиш оралиғи ва чўкинди, қуйқа ҳамда бошқа тикилмаларни тозалаш каби жиҳатларни баҳолаш имконияти яратилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ясси канал ва цилиндрик қувурларда ностационар ва пульсацияли ҳаракатларини тадқиқ этиш асосида:

қон хусусиятларининг эластик ёпишқоқ суюқликларга яқинлиги эътиборга олиниб, бу турдаги суюқликларнинг қувурдаги пульсацияли ҳаракати, артериал томирларда қоннинг пулсли ҳаракатини моделлаштиришда ва унга мос масалаларни ечишда Ф-4-42 рақамли “Юрак биомеханикаси ва унинг татбиқлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 29 апрель 2019 йил 89-03-1661 сонли маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм ва Самарқанд вилоятлари филиалларининг маълумотномалари). Натижада артериал тизимни математик моделлаштиришга доир дастурий восита ёрдамида олинган пульс тўлқинларининг тарқалиши ва сўниши қонуниятлари асосида артериал томирлардаги гидравлик қаршиликларни аниқлаш имконини берган;

натижалар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Самарқанд вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Самарқанд вилоят “Сувоқова” давлат унитар корхонаси томонидан сув узатишни ёки оқова сувларни ҳайдашни таъминлайдиган насос станцияларидан самарали фойдаланишда жорий этилган (диссертациянинг иловаларида келтирилган). Самарқанд вилоят “Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси” ва Урганч вилоят “Чапқирғок Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси” томонидан сувни худудларга етказиб бериш ва суғориладиган ерларда сувларни қувурлар орқали тақсимлашни бошқаришда жорий этилган (диссертациянинг иловаларида келтирилган). Натижада оқова сувларни ноньютон суюқликлар деб қараб, насос станцияларида насос қурилмаларини ишга тушириш ва тўхтатиш жараёнларида тебранишларни сўндириш натижасида насос механизмларининг иш самарадорлигини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа фанлари докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (4 таси республика, 3 таси хорижий ва 1 таси Scopus базаси рўйхатига кирувчи хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Эластик ёпишқоқ суюқликларнинг реологик моделлари ва ҳаракат дифференциал тенгламалари”** деб номланган биринчи бобида эластик ёпишқоқ суюқликларнинг реологик моделлари ва ҳаракат дифференциал тенгламалари келтирилган. Кичик деформациялар ва секин оқимлар учун ортогонал Декарт ва цилиндрик координаталар системаларида юқориги ва пастки конвектив ҳосилалар оддий ҳосилаларга айланади. Буларни эътиборга олган ҳолда Шульман-Хусид модели ушбу кўринишдаги модификацияланган модель шаклига келтирилган:

Декарт координаталар системаси учун ушбу кўринишда:

$$T = \sum_{k=1}^{\infty} T_k, \quad \lambda_k \frac{\partial T_k}{\partial t} + T_k = 2\eta_k D, \quad D = \frac{1}{2} \frac{\partial u}{\partial y}. \quad (1)$$

цилиндрик координаталар системаси учун эса ушбу кўринишда:

$$T = \sum_{k=1}^{\infty} T_k, \quad \lambda_k \frac{\partial T_k}{\partial t} + T_k = 2\eta_k D, \quad D = \frac{1}{2} \frac{\partial g_x}{\partial r}. \quad (2)$$

бу ерда $\lambda_k = \frac{\lambda}{k^\alpha}$, $\eta_k = \frac{\eta}{\xi(\alpha)k^\alpha}$ кўринишида олинган бўлиб, η – бошланғич

ҳолатдаги Ньютон суюқлигининг динамик ёпишқоқлик коэффиценти; λ – релаксация коэффиценти (вақти); α – релаксация вақт спектрининг тақсимланишини характерловчи сон; $\xi(\alpha)$ – Риманнинг дзета функцияси, у

$\xi(\alpha) = \sum_{k=1}^{\infty} \frac{1}{k^\alpha}$ кўринишидаги ифода орқали аниқланади.

Бу келтирилган модификацияланган Шульман-Хусид моделидан хусусий ҳолда Ньютон, Максвелл моделлари келиб чиқиши кўрсатилган. Релаксация коэффиценти λ нолга интилган ҳолатида хусусий ҳолда Ньютон модели келиб чиқади. Ҳақиқатдан ҳам, (1) ва (2) тенгламаларда $\lim_{\lambda \rightarrow 0} \lambda_k = 0$ десак, Декарт координаталар системаси учун $T = \eta \frac{\partial u}{\partial y}$ ва цилиндрик

координаталар системаси учун $T = \eta \frac{\partial g_x}{\partial r}$ кўринишдаги тенгламани ҳосил қилиш қийин эмас. Бу формулалар эса Ньютон моделига таллуқлидир.

Маълумки, Ньютон модели суюқликнинг эластиклик хусусиятини ёки релаксация таъсирини ўз ичига олмайди. Шу сабабдан ҳам бу модель ёпишқоқ суюқлик модели деб юритилади. Ньютон моделининг камчилиги – суюқликнинг эластиклик хусусиятини эътиборга олмаслигида, афсуски эластиклик хусусиятини намоён этувчи суюқликлар техника ва технологик жараёнларда жуда кўплаб учрайди.

Модификацияланган Шульман-Хусид моделининг хусусий ҳоли сифатида релаксация вақти спектрининг тақсимланишини характерловчи сон α чексизликка интилганда хусусий ҳол сифатида Максвелл суюқлиги учун реологик тенглама ҳосил бўлади. Яъни, (1) тенгламада $\alpha \rightarrow \infty$ бўлганда, Декарт координаталар системасида $\tau + \lambda \dot{\tau} = \eta \frac{\partial u}{\partial y}$ тенгламани ва цилиндрик

координаталар системасида $\tau + \lambda \dot{\tau} = \eta \frac{\partial g_x}{\partial r}$ тенгламани ҳосил қиламиз. Бу тенгламалар Максвелл моделини ифода қилишади.

Келтирилган Максвелл моделининг Шульман-Хусид моделига нисбатан камчилиги шундан иборатки, бу ерда эластик ёпишқоқ суюқлик бир жинсли суюқликдан иборат деб, фақат битта релаксация вақти (коэффиценти) орқали аниқланади. Шульман-Хусид моделининг модификациясида эса эластик ёпишқоқ суюқлик бир жинсли эмас деб қаралади ва релаксация вақти (коэффиценти) чексиз кўп яқинлашувчи кетма-кетлик сифатида ифодаланиб, булар ичидаги энг катта релаксация коэффиценти танланади,

ундан кейинги релаксация коэффициентлари эса унинг маълум бир қонуниятига бўйсинувчи улуши сифатида аниқланади. Шу боисдан ҳам Шульман-Хусид моделининг модификацияси Максвелл моделининг умумлашмаси сифатида қаралади.

Бу бобда, шунингдек, эластик ёпишқоқ суюқлик ҳаракатининг кучланишлар симметрик тензори, икки ва уч ўлчовли Декарт ва цилиндрик координаталардаги дифференциал тенгламалари келтириб чиқарилган. Эластик ёпишқоқ суюқликнинг ясси канал ва цилиндрик қувурдаги ҳаракати тенгламаларини чизиклаштириш орқали масалани соддалаштириш методикаси берилган. Бунинг учун фараз қилиндики, оқим ўққа нисбатан симметрик; канал эни h (ёки қувур радиуси R) қувур узунлиги L дан анча кичик: $\frac{h}{L} = \frac{R}{L} \ll 1$, кўндаланг тезлик эса бўйлама ўртача тезлик U дан анча кичик. Бу фаразларни ҳисобга олиб, $t = \lambda t_1$, $y = h y_1$, $x = L x_1$, $u = U u_1$, $\vartheta = V \vartheta_1$, $p = \frac{\eta U L}{h^2} p_1$, $\tau_{ij} = \eta \frac{U}{h} \tau_{1,ij}$, $\lambda_k = \lambda \lambda_{1,k}$, $\eta_k = \eta \eta_{1,k}$ шакл алмаштиришлар орқали ўлчовсиз кўринишга келтирилган тенгламаларнинг ҳадлари баҳоланган.

“Кучланишлар” орқали ифодаланган суюқликнинг ҳаракат тенгламалари системаси ва симметрияни ҳисобга олиб тузилган реологик тенгламалардаги кичик ҳадларни ташлаб юбориш натижасида қуйидаги тенгламалар системаси ҳосил қилинган:

Декарт координаталарида:

$$\frac{\partial u}{\partial t} = -\frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial \tau}{\partial y}, \quad \frac{\partial p}{\partial y} = 0, \quad \tau = \sum_{k=1}^{\infty} \tau_k, \quad \lambda_k \frac{\partial \tau_k}{\partial t} + \tau_k = \eta_k \frac{\partial u}{\partial y}; \quad (3)$$

цилиндрик координаталарда:

$$\rho \frac{\partial \vartheta_x}{\partial t} = -\frac{\partial p}{\partial x} + \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} (r \tau_{rx}), \quad \frac{\partial p}{\partial r} = 0, \quad \tau_{rx} = \sum_{k=1}^{\infty} \tau_{k,rx}, \quad \lambda_k \frac{\partial \tau_{k,rx}}{\partial t} + \tau_{k,rx} = \eta_k \frac{\partial \vartheta_x}{\partial r}. \quad (4)$$

Ясси канал ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликнинг ностационар ва пульсацияли оқимлари ҳақидаги масалаларнинг математик кўйилишини тугаллаш учун бошланғич ва чегаравий шартлар шакллантирилган.

Суюқлик бошланғич ҳолатда ҳаракатланмайди, яъни тинч ҳолатни сақлайди. $t > 0$ вақтдан бошлаб нолдан фарқли ўзгармас босим градиенти таъсирида суюқлик ҳаракатга келади деб қаралаган. Бу жараён эластик ёпишқоқ суюқликнинг ясси каналдаги ностационар ҳаракати сифатида шакллантирилган. Бундан ташқари, қувур ва каналнинг кириш ва чиқиш кесимларида бир хил кўринишда тебранадиған босим ўзгаришларини комплекс функциялар шаклида ифодалаш мумкинлигидан фойдаланиб, чегаравий шартлар киритилган.

Ясси каналларда ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқлик оқимини ифодаловчи тенгламалар системасининг тўлиқ чизиклаштирилган шакли олинган ва унинг кичик амплитудали тебранишлар учун аналитик ечимини олиш имкониятлари яратилган.

Диссертациянинг “**Ясси канал ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликнинг ностационар оқимлари**” деб номланган иккинчи бобида эластик ёпишқоқ суюқликнинг ҳаракатга келиш жараёни масаласини шакллантиришда эластик ёпишқоқ суюқлик $t=0$ вақтгача тинч ҳолатда деб ҳисобланади ва $t=0$ вақтдан бошлаб нолдан фарқли ўзгармас босим градиенти таъсирида ҳаракатга келади. Бу жараён эластик ёпишқоқ суюқликнинг ясси каналдаги ностационар ҳаракати сифатида шакллантирилган. Бунда ясси канал деворлари орасидаги масофа $2h$ деб белгиланди, канал етарлича узун, деб фараз қилиниб, эластик ёпишқоқ суюқлик оқими учун характерли нисбий узунлик танланди. Бунда канал эни унинг узунлигига нисбатан жуда кичик деб ҳисобланди, шунинг учун оқимларда вертикал ўқ бўйича тезликлар пайдо бўлмайди. Бундай ҳолларда суюқликнинг ясси каналлардаги ҳаракати унинг реологик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда, биринчи бобда шакллантирилган соддалаштирилган (3) тенгламалар системаси билан ифодаланади.

Ҳосил қилинган (3) тенгламалар системасини ечиш учун бошланғич ва чегаравий шартлар юқорида келтирилганидек, $t=0$ вақтгача суюқлик тинч ҳолатда деб ҳисобланган. Вақтнинг нолдан фарқли қийматларида ўзгармас босим градиенти таъсирида каналда суюқлик ҳаракатга келади деб қаралган. Каналнинг деворида суюқлик тезлиги ва ўқда бўйлама тезликдан олинган ҳосила нолга тенг деб олинган. Қаралаётган оқим секин содир бўлаётганлиги туфайли (3) тенгламалар системасини аналитик шаклда ечиш учун бошланғич ва чегаравий шартларни эътиборга олиб, Лаплас-Карсон алмаштириши қўлланилган ва эластик ёпишқоқ суюқлик ҳаракатида бўйлама тезлик тақсимланишини аниқловчи формулалар олинган. Бу мураккаб формулалар асосида сонли ҳисоб юритишни соддалаштириш учун Шульман-Хусид моделининг асимптотик қийматларидаги эластик ёпишқоқ суюқликнинг ностационар ҳолатдан стационар ҳолатга ўтиш жараёни тадқиқ қилинган. Бунда Шульман-Хусид модели учун ўлчамсиз шаклдаги эластиклик динамик ёпишқоқлик коэффициенти қуйидаги кўринишда олинган:

$$\bar{\eta}(\bar{s}) = \frac{1}{\xi(\alpha)} \sum_{k=1}^{\infty} \frac{1}{(k^\alpha - EL\bar{s})}. \quad (5)$$

Бу ифоданинг иккита лимитик ҳолатидан фойдаланилди. Яъни, $t \gg \lambda$ бўлганда $|ELs| \ll 1$ бўлиб, бунга мос бўлган ечим Ньютон суюқлигининг ностационар ҳолатдан стационар ҳолатга ўтиш жараёнини ифода қилади. $t \ll \lambda$ бўлган ҳолда эса $|\lambda s| \gg 1$ бўлиши ҳоли алоҳида текширилган. Бу ерда $|\lambda s| \gg 1$ шарт бажарилганда (5) ифода қуйидаги асимптотик шаклга келтирилган

$$\bar{\eta}(s) = \pi / \xi(\alpha) \alpha \sin \frac{\pi}{\alpha} (\lambda s)^{1-\frac{1}{\alpha}}. \quad (6)$$

Топилган (6) ифодани трансцендент тенглама $\frac{ih}{\sqrt{\nu}} \sqrt{\frac{s}{\bar{\eta}(s)}} = \frac{(2n+1)}{2} \pi$ га

кўйиб унинг ечими топилади. Топилган ечимдан фойдаланиб ясси каналда эластик ёпишқоқ суюқликнинг ностационар ҳолат учун бўйлама тезлик учун ифода олинган:

$$\frac{u(0,t)}{u_{0\max}} = 1 - 32 \sum_{n=0}^{\infty} (-1)^n \frac{\sqrt[3]{\xi^2(2)EL}}{3\sqrt[3]{(2n+1)^7 \pi^3}} (\cos A\sqrt{3}t - \sqrt{3} \sin A\sqrt{3}t) e^{-\frac{\nu}{h^2}At}. \quad (7)$$

бу ерда: $A = \frac{\sqrt[3]{(2n+1)^4 \pi^2}}{8\sqrt[3]{\xi^2(2)EL}}.$


Топилган (7) ечим орқали Ньютон суюқлиги ва эластик ёпишқоқ суюқликнинг ўзгармас босим градиенти таъсири остида ностационар ҳолатдан стационар ҳолатга ўтиши жараёни тадқиқ қилинган.

Ньютон суюқлигидаги жараён релаксация коэффициентининг нолга тенг қиймати орқали топилади, яъни: $\bar{\eta}_k(s) = \eta \eta_k^*(s) = \eta$. Демак бу ҳолда трансцендент тенглама ечими қуйидагича аниқланади: $\bar{s} = \frac{(2n+1)^2}{4} \pi^2$. Ушбу тенгликни эътиборга олган ҳолда қуйидагича ечим топилган:

$$\frac{u(0,t)}{u_{0\max}} = 1 + 32 \sum_{n=1}^{\infty} \frac{(-1)^n}{(2n+1)^3 \pi^3} \cos\left(\frac{2n+1}{2} \pi \frac{y}{h}\right) e^{-\frac{\nu}{h^2} \bar{s} t}. \quad (8)$$

Топилган (8) ечим орқали сонли ҳисоб натижаси 1-расмда чизик 1 орқали тасвирланган. Расмдан кўринадики, ностационар суюқлик ҳолати ҳаракатнинг ноль қийматидан бошланиб бирга интилгандаги монотон ўсиш шаклидаги жараён билан яқунланади. Бу жараённинг стационар ҳолатга ўтиш вақти ўлчамсиз вақтнинг тахминан 1,5 қийматига мос келади.

Шульман-Хусид модели асосида юқорида ечилган (7) масаланинг сонли ҳисоб натижалари 1-расмда 2- ва 3-чизиклар билан берилган.



1-расм. Ностационар оқимда эластик ёпишқоқ суюқлик максимал бўйлама тезлигининг стационар ҳолатдаги максимал бўйлама тезлигига нисбатининг вақтга боғлиқ равишда ўзгариши (1 – Ньютон суюқлиги учун; 2 – $EL = 2$, $\alpha = 2$, $\xi(2) \approx 1.7$ ва 3 – $EL = 1$, $\alpha = 2$, $\xi(2) \approx 1.7$ бўлганда Шульман-Хусид модели учун)


Расмдан кўринадики, эластик ёпишқоқ суюқликнинг стационар ҳолатга ўтиш жараёни Ньютон суюқлигидаги жараёндан тубдан фарқ қилади. Бунда эластик элементларнинг суюқлик оқимида қатнашиши оқимда номонотон ҳолатларнинг содир бўлишига олиб келади. Худди шундай ҳодиса эластик ёпишқоқ суюқлик ҳаракатининг Шульман-Хусид моделида намоён бўлмоқда. 1-расмда дастлаб суюқликнинг максимал нисбий тезлиги Ньютон ҳаракатидаги нисбий максимал тезликдан 1,5-2 бараварга ўсиши, кейин эса бир қиймат атрофида тебраниши ва шу қийматга асимптотик яқинлашиши кўрсатилган.

Юқорида эластик ёпишқоқ суюқлик учун Шульман-Хусид моделидан хусусий ҳолда Максвелл моделига ўтиш йўли келтирилди. Бу ҳол ечимдаги α релаксация вақти спектри тақсимланишини характерловчи соннинг чексизликка интилгандаги қиймати билан ифодаланди ва ундан ўқдаги бўйлама тезлик қуйидагича аниқланган:

$$\frac{u(0,t)}{u_{0\max}} = 1 + 32 \sum_{n=1}^{\infty} \sum_{i=1}^2 \frac{(-1)^n}{(2n+1)^3 \pi^3 \frac{(1-2EL\bar{s}_{in})}{(1-EL\bar{s}_{in})^2}} e^{-\frac{\nu}{h^2 \bar{s}_{in} t}} \quad (9)$$

бу ерда: u_0 – Пуазейль бўйича максимал бўйлама тезлик.

Максвелл модели учун ҳисобларда (9) формуладан фойдаланилди. Эластик ёпишқоқ суюқлик оқимининг физик хусусиятларидан бири – дастлаб тезлик ўзининг максимал қийматига эришиши, кейин монотон камайиши ва охирида стационар оқимга ўтишидан иборат. Оқимда тезлик, суюқлик сарфи ва бошқа гидродинамик катталикларнинг тебранма ўзгаришлари кузатилади. Худди Шульман-Хусид моделидаги каби олинган ечим (9) формуладан фойдаланиб, Максвелл модели бўйича берилган эластик ёпишқоқ суюқликнинг ясси каналдаги ностационар ҳолатдан стационар ҳолатга ўтиш жараёни таҳлил қилинган.




2-расм. Ностационар оқимда эластик ёпишқоқ суюқлик максимал тезлигининг стационар ҳолатдаги максимал тезликка нисбатининг вақтга боғлиқ равишда ўзгариши (1 – Ньютон суюқлиги учун; 2 – Максвелл суюқлиги ва $EL=1$ учун; 3 – Шульман-Хусид моделида $EL=1$, $\alpha=2$, $\xi(2) \approx 1.7$ бўлганда)

2-расмда эластик ёпишқоқ суюқликнинг Ньютон, Максвелл ва Шульман-Хусид моделлари асосида стационар ҳолатга ўтиш жараёни акс эттирилган. Расмдан кўринадики, эластик ёпишқоқ суюқликнинг Максвелл ва Шульман-Хусид моделлари асосида берилган босим градиентида стационар ҳолатга ўтиш Ньютон суюқлигидан фарқли равишда тўлқинсимон шаклда намоён бўлар экан. Максвелл суюқлигида ўтиш вақти Ньютон суюқлиги ва Шульман-Хусид суюқлигидаги ўтиш вақтидан бир неча баравар катта бўлишини кўриш мумкин.

Бу бобда цилиндрик қувурда эластик ёпишқоқ суюқликнинг ностационар оқими ҳам қаралган бўлиб, унда эластик ёпишқоқ суюқликнинг ҳаракати соддалашган тенгламалар орқали ифодаланган. Бу тенгламалар системасини ечиш учун бошланғич ва чегаравий шартлар шакллантирилган. Улардан фойдаланиб, эластик ёпишқоқ суюқликнинг ҳаракати тенгламалари Лаплас-Карсон алмаштиришлари асосида ечилган. Олинган ечим ёрдамида Шульман-Хусид ва Ньютон суюқликларига тегишли сонли натижалар 3-расмда келтирилган. Расмдан кўринадики, дастлаб суюқликнинг бўйлама тезлиги монотон ўсиб энг катта қийматга эришади ва

бу қиймат Ньютон суюқлигидаги максимал қийматдан 3–3,5 баравар катта бўлади. Кейин тезлик тебранувчи режимда камая бошлайди ва ниҳоят вақтнинг кейинги қийматларида Ньютон суюқлигидаги қийматга интилади. Бундай ҳолатнинг кучайиши эластиклик коэффициенти қийматининг ўсишига боғлиқ равишда намоён бўлади.



3-расм. Эластик ёпишқоқ суюқлик оқимининг ностационар ҳолатдаги бўйлама тезлик максимал қийматининг ньютон суюқлиги оқимидаги максимал бўйлама тезлик қийматига нисбатининг вақтга боғлиқ равишда ўзгариши (1 - Ньютон суюқлиги учун; 2 - Шулъман-Хусид модели учун $EL=1$, $\alpha=2$ бўлганда)

Бу бобда ясси каналда босим градиенти олиб ташлангандан кейин, яъни иш жараёнини тўхтатиш натижасида эластик ёпишқоқ суюқликларнинг стационар ҳолатга ўтиш жараёни ҳам тадқиқ қилинган бўлиб, бунда эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ностационар ҳаракати Ньютон суюқлигининг ностационар ҳаракатидан тубдан фарқ қилиши кўрсатилган. Ньютон суюқлигида стационар режимга ўтиш монотон камаювчи режимда амалга ошадиган бўлса, эластик ёпишқоқ суюқлик оқимида Ньютон суюқлик оқимида мавжуд бўлмаган оқимга қарши йўналишда эластик қайтиш оқими кузатилади. Босим градиенти олиб ташлангандан сўнг суюқлик ҳаракатида барча гидродинамик параметрлар қийматлари тўсатдан камайиши, жумладан тезлик, суюқлик сарфи ва бошқа гидродинамик катталиклар қийматлари Ньютон суюқлигининг стационар ҳолатдаги қийматига қараганда 1.5–2 марта кичик бўлиши, оқимга қарама-қарши йўналишда ҳаракат пайдо бўлиши аниқланган.

Диссертациянинг “**Ясси каналларда ва цилиндрик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликларнинг пульсацияли оқимлари**” деб номланувчи учинчи бобида даврий равишда ўзгарувчи босим градиенти таъсирида бўладиган ясси каналлардаги эластик ёпишқоқ суюқликларнинг стационар пульсацияли оқимига бағишланган масалалар ечилган ва тадқиқ қилинган. Бунда босим градиентининг вақт бўйича ўзгариши синусоидал кўринишда берилган:

$$(-\partial p / \partial x) = (-\partial p / \partial x)_0 (1 + \Lambda \cos \omega t), \quad (10)$$

бу ерда: Λ – тебранишнинг нисбий амплитудаси; ω – тебраниш частотаси; $(-\partial p / \partial x)_0$ – тебранишсиз стационар оқимдаги босим градиенти.

Масалани шакллантиришда ясси канал деворлари орасидаги масофа $2h$, канал узунлиги L деб белгиланди. Бу ерда L етарлича катта бўлиб, $h/L \ll 1$ шарт бажарилиши таъминланади. Бундай ҳолларда оқим стабиллашган ва вертикал ўқ бўйича тезлик қиймати жуда кичик бўлганлиги учун нолга тенглаб олинган. Эластик ёпишқоқ суюқликнинг пульсацияли ҳаракати биринчи бобда келтирилган, соддалаштирилган

дифференциал тенгламалар системаси ёрдамида ифодаланган. Ясси каналда оқим горизонтал ўққа нисбатан симметрик бўлганлигидан фойдаланиб, чегаравий шартлар шакллантирилган. Босим градиенти иккита қисмдан – ўзгармас ва вақт бўйича ўзгарувчи даврий функциядан иборат бўлганлиги сабабли босим градиентининг ўзгармас қисми стационар оқимни, вақт бўйича ўзгарувчи қисми эса тебранувчи оқимни ифодалаши кўрсатилган. Шу боисдан тенгламалар системасининг ечими иккита тезлик функциялари йиғиндиси шаклида изланган.


Топилган ечимдан хусусий ҳолда Ньютон суюқлиги пульсацияли оқимидаги бўйлама тезликнинг тақсимланиш қонунини аниқловчи формула келтириб чиқарилган. Пульсацияли оқимларда тезлик тақсимланишини аниқловчи ҳисоблаш формулаларини ҳосил қилиш учун ечимнинг ҳақиқий қисми ажратилган:

$$\frac{u(y,t)}{u_{0\max}} = \left(1 - \frac{y^2}{h^2}\right) + 2\Lambda W. \quad (11)$$


Бу ерда ўнг томондаги биринчи ҳад – тезликнинг стационар ташкил этувчиси, иккинчи ҳад $2\Lambda W$ эса пульсацияли оқимнинг ташкил этувчиси бўлади, бунда W ифоданинг ҳақиқий қисмини ажратиш орқали, у ушбу кўринишга келтирилган:

$$2W = 2 \frac{\sin \omega t}{\alpha_0^2} - \frac{2}{\alpha_0^2 (\bar{A}^2 + \bar{B}^2)} \left[(\bar{A} \cos M_1 \bar{y} \operatorname{ch} \bar{M}_1 \bar{y} - \bar{B} \sin M_1 \bar{y} \operatorname{sh} \bar{M}_1 \bar{y}) \times \right. \\ \left. \times \cos \omega t + (\bar{B} \cos M_1 \bar{y} \operatorname{ch} \bar{M}_1 \bar{y} + \bar{A} \sin M_1 \bar{y} \operatorname{sh} \bar{M}_1 \bar{y}) \sin \omega t \right]. \quad (12)$$


Бу ердаги \bar{A} , \bar{B} , M_1 , \bar{M}_1 ўзгармас коэффициентларнинг қийматлари эластик ёпишқоқ ва Ньютон суюқликлари учун аниқланган. Тезлик тақсимланиши учун аниқланган (12) формуланинг сонли ҳисоб натижалари келтирилган. Бунда эластик ёпишқоқ суюқликнинг пульсацияли оқимида тезликнинг ўзгариши EL эластиклик сонига боғлиқ равишда Ньютон суюқлиги тезлигидан фарқ қилиши кўрсатилган. 4-расмда $\omega t = 0$ бўлгандаги Ньютон суюқлигининг пульсацияли оқимида тебранишлар частотасининг икки хил қийматларидаги бўйлама тезликнинг канал кесими бўйича тақсимланиши кўрсатилган. Расмдан кўринадики, тебранишлар частотасининг катталашган қийматларида тезлик тебраниш амплитудаси камайиб борар экан. Эластик ёпишқоқ суюқликларнинг пульсацияли оқимида эса эластиклик коэффициентининг бирга яқинлашган қийматларида бунга тескари бўлган ҳолат рўй беради, яъни тебранишлар частотасининг бир сонидан кичик қийматларида ҳам тезлик тебраниш амплитудаси катталашади. Бу ҳолат 5-расмда тасвирланган. Лекин эластик ёпишқоқ суюқлик оқимида $EL \geq 2$ бўлганда M -симон тезлик тақсимотлари Ньютон суюқлиги оқимидаги тезлик тақсимотларига караганда тебраниш сонининг катта бўлмаган қийматларида ҳам пайдо бўлиши кузатилади (6-расм).



4-расм. Ясси канал кесими бўйича Ньютон суюқлиги учун бўйлама тезлик ташкил этувчисининг пульсацияли оқимдаги тақсимоти ($\omega t = 0$ да: 1 – $EL = 0$, $\alpha_0 = 0,01$; 2 – $EL = 0$, $\alpha_0 = 1$)



5-расм. Ясси канал кесими бўйича эластик ёпишқоқ суюқлик учун бўйлама тезлик ташкил этувчисининг пульсацияли оқимдаги тақсимоти ($\omega t = 0$ да: 1 – $EL = 3$, $\alpha_0 = 1$, $\alpha = 2$; 2 – $EL = 1$, $\alpha_0 = 1$, $\alpha = 2$)




6-расм. Ясси канал кесими бўйича бўйлама тезлик ташкил этувчисининг пульсацияли оқимдаги тақсимоти ($\omega t = 0$ да: 1 – эластик ёпишқоқ суюқлик учун $EL = 1$, $\alpha_0 = 2,5$, $\alpha = 2$; 2 – Ньютон суюқлиги учун $EL = 0$, $\alpha_0 = 2,5$)

Бундай ҳолатнинг рўй бериши пульсацияли оқимда тезликлар тақсимотида M -симон профилнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Гидравлик қаршилик (импеданс)нинг Ньютон суюқлиги оқимида ҳамда эластик ёпишқоқ суюқлик оқимида характерли хусусияти шундан иборатки, бунда оқимдаги гидравлик қаршиликнинг ўзгариши аниқланиб, унинг ортиши ёки камайиши орқали оқимдаги суюқлик сарфининг ошиши ёки камайиши аниқланади. Одатда, гидравлик қаршилик босим градиентининг суюқлик сарфига нисбати билан аниқланади:


$$Z = \frac{\left(-\frac{\partial p}{\partial x}\right)}{Q} = \left[\frac{1}{i\alpha_0^2} \left(1 - \frac{\sin(M_1 - i\bar{M}_1)}{(M_1 - i\bar{M}_1) \cos(M_1 - i\bar{M}_1)} \right) \right]^{-1} = \bar{R} + i\bar{L}. \quad (13)$$

Топилган (13) формуланинг ҳақиқий ва мавҳум қисмлари ажратилиб, \bar{R} гидравлик қаршиликнинг ҳақиқий қисмга мос келувчи ва \bar{L} индуктивликнинг мавҳум қисмга мос келувчи қийматлари аниқланган.

Ньютон суюқлиги учун импедансни тадқиқ этиш натижаси кўплаб ишларда келтирилган бўлишига қарамадан, эластик ёпишқоқ суюқлик учун у биринчи марта тадқиқ этилмоқда. Юқорида импеданс учун топилган (13) формула ёрдамида сонли ҳисоб амалларини бажариб, Ньютон ва эластик ёпишқоқ суюқликларнинг пульсацияли оқимлари учун гидравлик қаршилик ва индуктивликнинг тебраниш частотасига боғлиқ равишда ўзгариши тадқиқ қилинган. Тадқиқот натижалари 7-8-расмларда келтирилган.



7-расм. Гидравлик қаршилик \bar{R} ва индуктивлик \bar{L} нинг эластиклик коэффиценти $EL=0$ бўлгандаги қийматида тебранишлар частотаси параметри α_0 га боғлиқ равишда ўзгариши



8-расм. Гидравлик қаршилик \bar{R} ва индуктивлик \bar{L} нинг эластиклик коэффиценти $EL=0.1$, $\alpha=2$ бўлгандаги қийматида тебранишлар частотаси параметри α_0 га боғлиқ равишда ўзгариши

Расмдан кўринадикки, Ньютон суюқлиги оқимида тебраниш частотаси қийматларининг ошиши билан гидравлик қаршилик катталаша боради, индуктивлик эса жуда оз миқдорда камайиб, қиймати бирга интилади.

Эластиклик коэффицентининг 0.01 дан катталашган қийматларида суюқликларнинг пульсацияли оқимларидаги гидравлик қаршилик ва индуктивликнинг ўзгариши Ньютон суюқлигидан фарқ қила бошлайди. Бунда гидравлик қаршилик эластиклик коэффицентининг ўсиши натижасида Ньютон суюқлиги оқимидагига қараганда сезиларли равишда камаяди. Эластиклик коэффицентининг кейинги ўсиши давомида гидравлик қаршиликнинг кескин камайиши ва тебраниш частотасининг $2 \leq \alpha_0 \leq 4$ қийматлар оралиғида бу камайиш максимал даражага етиши кузатилади.

ХУЛОСА

“Трубопроводларда эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ностационар ва пулсацияли оқимлари” мавзусидаги диссертация иши бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Максвелл типидagi суюқлик моделлари асосида Шульман-Хусид томонидан умумлаштирилган эластик ёпишқоқ суюқликларнинг реологик тенгламалари “кучланишлар” шаклидаги суюқлик ҳаракати дифференциал тенгламалари билан биргаликда олиниб, эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ҳаракати дифференциал тенгламалари шакллантирилди.

2. Ўлчамсиз катталикларга ўтиш ва тенгламаларнинг кичик миқдордаги ҳадларини ташлаб юбориш орқали эластик ёпишқоқ суюқликларининг ҳаракат дифференциал тенгламаларини соддалаштириш ва чизиқлаштириш услубияти ишлаб чиқилди. Натижада бу тенгламалар асосида гидродинамиканинг қатор ички масалаларини шакллантириш ва ечиш имкониятлари яратилди. Муайян ҳолларда, канал ва цилиндрлик қувурларда эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ностационар ва пульсацияли оқимлари масалаларини ечиш учун бошланғич ва чегаравий шартлар шакллантирилди.

3. Текис ясси ва ўққа симметрик каналлар учун Лаплас-Карсон алмаштиришларини қўллаш ёрдамида эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ностационар оқими масаласи ечилди. Бунда нолдан фарқли ўзгармас босим градиентининг тўсатдан пайдо бўлиши ва унинг тўсатдан олиб ташланиши натижасидаги эластик ёпишқоқ суюқликларнинг ҳаракати масалалари ечими олинди. Ечим натижаларининг таҳлилига кўра, ўтиш жараёнида эластик ёпишқоқ суюқликнинг ясси каналлардаги ҳаракатида ўртача тезлик Ньютон суюқлиги ҳаракатидаги ўртача тезлигидан икки-уч баравар катта бўлиши ва босим градиенти олиб ташланганидаги оқимда тескари оқим пайдо бўлиши ва унинг тезлиги Ньютон суюқлиги ҳаракатидаги камайиш тезлигидан бир ярим-икки баробар катта эканлиги исботланди.

4. Босими пульсацияли ва осцилляцияли оқимларга Фурье қаторининг комплекс шаклини қўллаб, эластик ёпишқоқ суюқликнинг текис ясси каналлардаги оқими масаласи ечилган. Бу ечим натижалари таҳлили Рейнольдснинг тебранишлар сони Re_ω ва эластиклик параметри EL га боғлиқ равишда оқимнинг лимит режимларини таҳлил этиш, бўйлама тезликнинг M -симон профили ҳосил бўлиш интервалини аниқлаш имконини берди.

5. Гидравлик қаршилик ва индуктивликнинг тебраниш частотаси параметрига боғлиқ равишда ўзгаришини аниқлаш орқали Ньютон суюқлиги оқимидаги гидравлик қаршиликдан эластик ёпишқоқ суюқлик оқимидаги эластиклик коэффициентининг ўсишига қараб гидравлик қаршилик сезиларли равишда камайиши аниқланди. Индуктивликнинг ўзгариши эса тебраниш частотасининг кичик қийматларида секин камайиб, кейинчалик тебраниш частотасининг катта қийматларида бирга интилиши кўрсатилди. Эластиклик коэффициентининг кейинги ўсиши давомида гидравлик қаршиликнинг, тебраниш частотаси параметрининг $2 < \alpha_0 < 4$ қийматлари оралиғида кескин камайиши аниқланди.

6. Диссертация ишининг натижалари давлат фундаментал грантларини бажаришда фойдаланилган. Ишнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Уй жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тармоқларида оқова сувларни насос механизмлари ёрдамида узатиш жараёнига жорий қилинган. Қувурларда оқова сувлар ҳаракатини ўрганиш натижасида гидравлик қаршиликни камайтиришнинг янги усуллари аниқланди. Бунда тебранишларни сўндиришнинг самарали усулларида фойдаланиб, насос механизмларининг иш унумдорлигини 10 – 15 % га ошириш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МЕХАНИКИ И
СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ШУКУРОВ ЗОХИД КУЧКАРОВИЧ

**НЕСТАЦИОНАРНЫЕ И ПУЛЬСИРУЮЩИЕ ТЕЧЕНИЯ
УПРУГОВЯЗКИХ ЖИДКОСТЕЙ В ТРУБОПРОВОДАХ**

01.02.05 – Механика жидкости и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
(PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ургенч – 2021

Тема диссертации доктора философии(PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2018.1.PhD/FM174

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Афтореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском) размещен на веб-странице Научного совета(www.instmech.uz) и информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Наврузов Куралбай

доктор физико-математических наук,
профессор

Официальные оппоненты:

Базаров Дилшод Раимович

доктор технических наук, профессор

Маткаримов Санъат Юсубович

кандидат физико-математических наук,
доцент

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт
иригации и водных проблем**

Защита диссертации состоится «14» июль 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019. Т/FM.61.01 при Институте механики и сейсмостойкости сооружений Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Дурман йули, 33, зал заседаний – 1. Тел.:(99871) 262-71-52; факс:(99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института механики и сейсмической стойкости сооружений (регистрационный номер -7). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Дурман йули, 33. Тел. (99871) 262-71-32.

Автореферат диссертации разослан «28» июнь 2021 года.
(реестр Протокола рассылки №3 от «28» июнь 2021 года)



М.М.Мирсаидов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор, академик АН РУз

М.К.Усаров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

З.М.Маликов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Эффективное использование жидкостей и газов, в том числе в отраслях экономики – нефтяной промышленности (транспортировка нефти и нефтепродуктов по трубопроводу), в химической промышленности, продовольственной отрасли (при изучении вопросов транспортеров, пневматических конвейеров), в текстильной и хлопкоочистительной промышленности (при проектировании и анализе надежности технологических установок по очистке хлопка-сырца, получении синтетических материалов), в гидротехнике (при очистке труб от осадков, транспортировке твердых частиц) является приоритетной задачей мирового масштаба. В этой связи особое внимание уделяется наличию возможностей ускорения и улучшения процессов плавки, сушки, очистки жидкостей и газов в определенных условиях их нестационарных и пульсирующих течений и других процессов. В этом смысле особое значение имеет теоретическое и практическое исследование процессов конвективного перемещения жидкостей и газов в США Великобритании, Нидерландах, Германии, Бельгии, Китая, Южной Кореи, России, Узбекистана.

В мире особое внимание уделяется осуществлению целевых научно-исследовательских работ, направленных на отражение нелинейных моделей неньютоновских жидкостей с учетом, а иногда без учета релаксации. К подобным видам жидкостей относятся полимерные растворы, суспензии, растворы с наносами, масляные краски, кондитерские, фармацевтические и продовольственные продукты, ракетное топливо, строительные и буровые растворы, жидкие композитные материалы, а также, физиологические жидкости – кровь, слюна и другие. Течения выше указанных жидкостей можно математически моделировать в качестве неньютоновских жидкостей в цилиндрических и плоских трубах с учетом их реологических свойств, потому что это связано с вопросами распространения прогрессивных методов транспортировки по трубопроводу и использования полимерных и синтетических материалов при изготовлении труб.

